# МОЛИЯВИЙ КЎМАК – ҲАМИША КЕРАК

***Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор фаолият кўрсатиши кўп омилларга боғлиқ.***

Ишни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мақбул усулларини изчил қўллаш, мулкчилик шаклларини кенгайтириш, молиявий кўмак бериш ва кредит билан таъминлаш шулар сирасига киради. Мазкур масалалар кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида қандай ҳал этилмоқда?

Тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Ер кодекси" ва "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши соҳанинг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, дастлаб 65 жамоа хўжалиги мулкчиликнинг пай усулига асосланган ширкатларга айлантирилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш борасида 1998 йилдан бошлаб бир қатор ишлар бажарилди. Ҳукуматимизнинг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса 104 та қишлоқ хўжалиги корхонаси иқтисодий соғломлаштириш мақсадида санация қилинди. Пировардида улардан 86 таси ўз фаолиятини фойда билан якунлади.

**ИСЛОҲОТ**

Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми амалдаги баҳоларда 545,1 миллиард сўмни ташкил этиб, 1997 йилдагига нисбатан 4,0 фоизга ортди. Маҳсулотнинг 300,8 миллиард сўмлиги деҳқончиликда, 244,3 миллиард сўмлиги эса чорвачиликда яратилди. Унда нодавлат секторнинг улуши ҳам катта бўлди.

1999 йили ширкат хўжаликларининг умумий сони 963 тага етди. Санация қилинган қишлоқ хўжалиги корхоналарида 1998 йилга нисбатан бирмунча кўп, 978,9 миллион сўм фойда олинди. Иш юритишнинг янги шакллари жорий этилиши натижасида санация қилинган 104 хўжаликдан 96 тасида иқтисодиёт ижобий томонга ўзгариб, уларнинг рентабеллик даражаси 9,4 фоизга тенг бўлди. Ялпи маҳсулот етиштириш ҳажми 833,0 миллиард сўмга етди.

2000 йилда 776 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ширкат хўжаликларига айлантирилди, уларнинг умумий сони 1754 тага етди. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмида 1999 йилдагига нисбатан 3,2 фоиз ўсишга эришилди. 2001-2002 йилларда ҳам бирмунча яхши натижалар қўлга киритилди.

Кейинги йилларда республикамиз қишлоқ хўжалигида эришилган ана шундай натижалар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги аён бўлди. Боиси – ширкат хўжаликларининг ривожланиши бозор иқтисодиётининг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида давлатга қатор йиллар пахта, ғалла сотиш топшириғи бажарилмаганлиги ҳам маълум даражада юқорида таъкидланган муаммолар тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатади.

Очиқ айтиш керакки, ҳозир баъзи жойларда молиявий масалаларга етарлича эътибор берилмаяпти. Ширкат хўжаликларининг бу борадаги эҳтиёжи ҳамма ерда ҳам тўлиқ қондириляпти, деб бўлмайди. Кредит ва бошқа молиявий маблағларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, олинган қарз маблағларининг белгиланган муддатларда қайтарилмаслиги тижорат банклари билан муносабатларнинг чигаллашишига олиб келади.

Ширкат хўжаликларини молиявий маблағлар ва кредит билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнининг ер ресурслари билан бевосита боғлиқлиги билан изоҳланади. Чунки улар учун ер ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Шу боис, ширкатларга молиявий ёрдам кўрсатилаётганда бу албатта, ҳисобга олиниши зарур. Молиявий маблағлар ва кредит билан таъминланишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, назаримизда, ширкат хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодиёт бошқа тармоқларига нисбатан узоқроқ вақт давом этиши ва унинг мавсумийлиги билан изоҳланиши лозим. Бу жараён 200-250 кун давом этади. Фақат шундан кейин етиштирилган маҳсулотни сотиш имконияти пайдо бўлади. Бу, табиийки, шу даврда муайян маблағлар сарфланиши тақозо қилади. Демак, ширкат хўжаликлари ушбу харажатларни узлуксиз қоплаш имконини берадиган етарли миқдордаги молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

**Рустам ЛОЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

## "ИЗМИР"НИНГ ФОЙДАСИ

***Кейинги пайтда Ургут туманида тамакининг ер ва об-ҳаво шароитига мос "Измир" навини кўпайтириш катта аҳамият касб этяпти. Биринчидан, бу нав камхаражат бўлиб, "Дюбек" навига нисбатан нархи тўрт баравар юқори.***

Иккинчидан, қурғоқчиликка чидамли, кўп сув ва ўғит талаб қилмайди. Ургут тамакисининг асосий харидори – бош буюртмачи "Бритиш Американ Тобако - Ўзбекистон" қўшма корхонаси ходимлари бу долзарб вазифани амалга оширишга киришдилар. Улар тамаки кўчатларини тайёрлаш, уни чиниқтириш, саралаб олиш, ташиш ва далага ўтқазиш, ниҳолларни жўякларга қўш қаторлаб жойлаштириш каби агротехник тадбирларни бажаришда деҳқонларга яқиндан кўмак беришаётир.

**Ҳамза ШУКУРОВ**

# "ПОКИЗА-М" НАМУНАСИ

**(Боши 1-бетда)**

-Деҳқоннинг боласи ота касбини танласа ёмон бўлмас экан, - дейди Раҳим ака. – 2000 йилнинг октябр ойида ўғлим кечки овқат пайтида фермер бўлмоқчи эканлигини айтиб қолди. Онаси бунга қарши чиқди. Машина ҳалокатидан кейин ногирон ўғлининг қишлоқ хўжалигининг оғир ишларига чидаб кетишига ишонқирамади. Лекин мен қаттиқ туриб, қўллаб-қувватладим, акаси раҳматликнинг ҳам оқ фотиҳасини олиб бердим. Шу йили хўжаликнинг умумий йиғилиши унга катта ишонч билдириб, энг кам кувватли еридан 52 гектар ажратди. Ерларнинг ҳаммаси менга беш қўлдай таниш эди. Ўғлим билан бирма-бир далаларни айланиб чиқдик. Ич-ичимдан раиснинг "хурмача қилиғи"дан куйиб кетдим. Ичимдагини ташқарига чиқармадим. Чунки унга ажратиб берилган ерларнинг бонитети 52-55 дан ошмасди. Бу ерлардан хўжалик 9-12 центнердан ошириб пахта ҳосили ололмаганди. Ерларни айланиб чиққач ўғлим менга қаради ва мен ундан кўзимни олиб қочдим. "Бўлади, ерни ер қилиш учун тинимсиз меҳнат қилишингга тўғри келади", дедим. "Қани бўлмаса ўтиринг, ота", деди. "Даланинг ўзида яна бир бор оқ фотиҳа беринг", деди. Ўғлимнинг ишига омад тиладим.

Даладан қайтиб, Қорасийроқ ва Хўжа қишлоқларининг аҳолисини йиғиб, бир маслаҳатлашиб олишни таклиф қилдим. Бу ҳам ўғлимга маъқул тушди. Эртаси катта дош қозонда ош дамлаб, одамларни таклиф қилдик. Йиғилганлар олдида сўзга чиқиб, ўғлимнинг янги ишга қўл урганлигини, бу ишда унга мададкор бўлишларини тўпланганлардан илтимос қилдик.

-Эплайди, - деди сўзга чиққан ҳамқишлоғимиз Адҳам Тўраев. – Бу қўли очиқ йигит. Биргина ун тегирмонидан келган даромаддан кўп йилдан бери мактабимизда Наврўз байрамини ўтказиб бераяпти. Бундан қишлоқларимиз аҳолиси кўп манфаат кўради.

Унинг гапини ҳамқишлоқларим қўллаб-қувватлашди. Ўғлим, гапираверсам гап кўп, яхшиси қолганини Маликнинг ўзи гапириб бера қолсин.

Камгап, мақтанишни ўзига эп кўрмайдиган Маликдан бир оғиз сўз олиш жуда қийин экан. Фермер хўжалигининг иш фаолияти тўғрисида бухгалтер Қаҳрамон, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари Абдурасул Саидаҳмедовлар сўзлаб беришди.

Малик Каримовлар хонадони Навоий номли ширкат хўжалигидаги энг эътиборли оилалардан бири. Малик умр йўлдоши Замирахон билан олти нафар фарзандлари Дилафрўз, Саидҳаким, Саидакбар, Зуҳра, Фотима ва Покизахонларни вояга етказишди. Ҳаммаси ота-оналари каби меҳнатсевар, ўз касбларининг билимдонлари.

-Малик Каримовга ажратиб берилган ерлар жуда ночор эди, - дейди А.Саидаҳмедов. - Тўғрироғи, бу ерлар хўжаликда ҳисобда бўлгани билан, бирор йил пахта етиштириш режаси бажарилган эмас. Унинг устига насос билан сув ичади. Маликдан бошқа одам бўлса, бу ерларни ташлаб қочиб кетарди. У жуда тиришқоқ экан. Ўзига билдирилган ишончни оқлаш, қўл остидаги одамларни боқиш учун тинимсиз меҳнат қилишга киришиб, қийинчиликда суяги қотган отаси Раҳим аканинг маслаҳатларига амал қилиб келмоқда. Биринчи йилнинг ўзида ташландиқ ердан мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромад эгаси бўлди. Шу йилнинг ўзида қишлоқдаги 14- ва 37-умумтаълим мактаблари учун ҳамма байрам тантаналарини ўтказиб берди. Ҳар икки мактабни жорий ремонтдан чиқариб, кам таъминланган беш оиланинг суннат тўйларини ўтказишга ҳомийлик қилди. Қорасийроқ ва Хўжа қишлоқлари водопровод суви таъминотини тўлиқ ўз оталиғига олди.

Қишлоқлардаги 25 нафар одам доимий иш билан таъминланди. Биринчи йилнинг ўзида 3 миллион сўмлик ҳомийлик ишларини амалга оширди.

"Покиза-М" фермер хўжалиги қаторасига икки йил салмоқли натижаларни қўлга киритиб тилга тушди. 2002 йили Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков фермер хўжалигининг фаолияти билан танишиб, олиб борилаётган ишларга яхши баҳо берди ва йўл-йўриқлар кўрсатди. Фермер хўжалигининг ер майдонларини юз гектардан оширишни тавсия этди. Навоий номли ширкатнинг умумий йиғилиши "Покиза-М" фермер хўжалиги ерларини 105,9 гектарга етказишга қарор қилди. 2002 йили шунча экин майдонида деҳқончилик қилиниб, 12 гектар яроқсиз ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш учун ўз техникаси билан капитал текисловдан чиқарди.



Фермер хўжалиги 2002 йили 59 гектар пахта майдонидан давлатга 177,2 тонна пахта сотиб, шартномани ортиғи билан бажарди. Ҳосилнинг 171 тоннаси юқори навлар билан сотилди.

Пахтачиликдан 27,8 миллион сўм даромад қилинди. Соф фойда 8,6 миллион сўмни ташкил этди. Хом ашёнинг салмоқли қисми уруғлик бўлганлиги туфайли қўшимча даромад олинди.

26,8 гектар ерда буғдой етиштирилиб, шартнома режасидаги 66 тонна ўрнига давлатга 74 тонна юқори навли ғалла етказиб берилди. Ғалладан олинган соф фойда 4,8 миллион сўмни ташкил этди.

Хўжалик ўтган йили жами 43,8 миллион сўм даромад қилди. Йиллик соф фойда 17,5 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 5 миллион сўмини ҳомийлик учун сарфлади. Чунончи, икки оиланинг бахт-иқбол кечаси тўйларини ўтказиб берди. 55 нафар қарияларни Самарқанд-Бухоро бўйлаб саёҳатга олиб борди. Икки мактаб ва маҳаллаларга Наврўз байрамини ўтказди. Янги йил байрамида ҳар бири 1000 сўмлик совғалардан 400 таси болажонларга тарқатилди. Қурбон ҳайитида қўй сўйилиб, маҳаллаларга ош берилди.

Фермер хўжалигида катта муваффақиятларнинг қўлга киритилишига механизаторлар Норқул Темиров, Худойберди Бойжонов, сувчилардан Билолиддин Солибоев, Камол Султонов, Зайнобиддин Тўрахўжаев, деҳқонлардан Саидҳаким, Ихтиёр, Саидакбар Каримовлар, Худойберди Алматов, Сайдулла Исомов, Шавкат Собиров, Маҳмуд Холбоев ва Асқад Турсунбоевлар катта ҳисса қўшишмоқда.

-Бизлар илгари Навоий номли ширкат хўжалигида меҳнат қилардик, йиллаб қўлимиз пул кўрмасди, - дейди фермер хўжалиги ишчиси Шавкат Сорибоев. – Мана уч йилдан бери шу ерда оиламиз билан меҳнат қилаяпмиз. Ҳар ойнинг 4-5 числосида маошимизни қўлга оламиз. Ишчиларнинг ўртача маоши 25000, механизатор ва сувчиларники 30000 сўмни ташкил этмоқда.

Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг бозор-ўчарлари ҳам анча енгиллашди. Оилаларнинг талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда пахта мойи, ун, гуруч ва бошқа маҳсулотлар бериб борилмоқда.

-Бу йил Маликжон яна бир ажойиб ишга қўл урдилар, - дейди суҳбатимизга қўшилган туман ҳокимининг муовини Муҳаррам Султонсаидова. –Ўн нафар туманимиз вакиллари билан Каттақўрғон шаҳрига бориб, у ерда ўзининг ватанпарварлик бурчини ўтаётган 40 нафар туманимиз фарзандларини кўриб қайтдик. Оққўрғон тумани номидан ош дамлаб, ўша ерда хизмат қилаётган 700 нафар аскарларни меҳмон қилишди. Ҳарбий қисм командири Малик Каримовга миннатдорчилик билдириб, қисмнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

-Президентимиз ҳар йиғилишда қайта-қайта таъкидлаб ўтганидек, ер ўз эгасини топди, - дейди Малик Каримов. – Бизда меҳнат қилаётган ҳар бир деҳқон ер унумдорлиги учун курашади.

Деҳқончиликдаги тўрт масалага қаттиқ амал қиламиз: ерни сифатли шудгордан чиқариш, сифатли уруғни танлаб экиш, ягона сифатига аҳамият бериш ва чеканкани ўз вақтида ўтказиш. Уларнинг биронтасига амал қилинмаса, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Натижада даромад ҳам камаяди.

Ўзимизда техникаларнинг етарли бўлиши иқтисодимизга самарали таъсир қилаяпти. Гектаридан 7-8 центнердан пахта етиштирилган майдонда бир йилнинг ўзида ҳосилдорликни 30 центнерга кўтариш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хўжалигимиз ҳудудидаги ҳамма зовурларни қайтадан тозалатиб чиқдик.

Фермер бироз тин олиб, сўзида давом этди:

-Биласизми, чақалоқнинг бақувват бўлиб ўсиши учун унинг кўкрак давридан оналари қуйруқ бера бошлашади. Ғўза ҳам чақалоқ мисоли. Агар чигитни экиш пайтида ерга ўғит берилса, унинг ривожи эрта бошланиб, ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлади. Биз шунга доимий амал қиламиз. Ҳозирги кунда ғўзага сув беришни экиннинг талабига қараб амалга ошираяпмиз. Яқинда хўжалигимизда бир гуруҳ мутахассислар бўлиб, ишимиз билан яқиндан танишишди.

-Малик Каримов кўпчиликка ибрат бўлмоқда, - дейди деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилояти вакиллиги раҳбари Абдуқаҳҳор Қурбонов. – У ишнинг кўзини билади. Далага меҳри тушганлардан. Бу йил ҳам Малик Каримов етакчилик қилаётган фермер хўжалигида вилоят миқёсидаги тажриба ўрганиш мактабини ташкил этиб, унинг ишларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатмоқдамиз.

"Покиза-М" фермер хўжалиги жамоаси 2003 йилда 62 гектар ерда пахта, 32 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Миришкорлар бу йил ғалла ҳосилдорлигини 65 центнердан ошириб, 208 тонна дон етиштиришга, пахтачиликда эса 35 центнерлик маррадан ўзишга азму қарор қилишган. Ғалла ўрим-йиғимига киришиш арафасида турган жамоа ғўза парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бепоён далаларда шовуллаб турган дон, кундан-кун бўй чўзиб, бунёдкори кўзини қувонтираётган ғўза ниҳоллари бу йилги хирмонлар ҳам баракали, ризқ-рўз мўл бўлишидан далолат бериб турибди.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

**СУРАТДА: фермер Малик Каримов.**
Муаллиф олган сурат.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## САДДАМНИНГ ШАХСИЙ КОТИБИ УШЛАНДИ

***Америка аскарлари Ироқда Саддам Ҳусайннинг шахсий ёрдамчиси бўлиб ишлаган Обид Ҳамид Маҳмуд ал-Тикритини ҳибсга олганлар.***



АҚШнинг 55 кишилик "қора рўйхат"идан 4-рақам остида жой олган генерал Обид Ҳамид Маҳмуд ал-Тикрити оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга бошчилик қилган ва бундай қуролларни қўллашга буйруқ бериш ваколатига эга бўлган. Шунингдек, Саддам Ҳусайннинг яқин одамларидан саналган бу шахсдан собиқ президент ҳақида, хусусан унинг қаердан паноҳ топганлиги борасида қимматли маълумотлар олиниши кутилмоқда. Ҳозирга қадар АҚШ ҳарбийлари "қора рўйхат"дан жой олган 34 кишини қўлга олганлар.

## НАМОЙИШЧИЛАР ЎЗЛАРИГА ЎТ ҚЎЙГАНЛАР

***Франция полицияси томонидан мамлакат пойтахти яқинида Эрон мухолифат гуруҳи "Халқ мужоҳидлари"нинг 165 нафар аъзоси ҳибсга олинганидан сўнг, бундай амалиётга қарши Париж шаҳрида ўтказилган намойиш вақтида эронлик Марзиёх Бабахони исмли аёл ўзини ёқиб юборган.***



Гуруҳ аъзоларини қўлга олиш чоғида уларнинг офисларидан 1,3 миллион АҚШ доллари ҳамда компьютер ва телефон ускуналари тортиб олинган. Шунингдек, айни шу пайтда, Лондон шаҳридаги Франция элчихонаси олдида ўтказилган намойиш вақтида ҳам эрон миллатига мансуб 38 ёшли Хишмат Занди ўз-ўзига ўт қўйиб юборган. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг май ойида "Халқ мужоҳидлари" Европа Иттифоқи ва АҚШ томонидан террорчи гуруҳ, дея эълон қилинган эди.

## ТОЛИБЛАР ЯНА ЖОНЛАНИШМОҚДА

***Инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан шуғулланадиган 80 дан ортиқ ташкилотлар БМТ бош котиби Кофи Аннанни Хавфсизлик Кенгашини Афғонистон хавфсизлигини таъминлашда халқаро кучлар сонини оширишга ишонтиришга чақирганлар.***



Уларнинг фикрича, мамлакат вилоятларида тинчлик жараёнларини тиклашга хавф солаётган маҳаллий гуруҳларга барҳам беришда халқаро кучларнинг таъсири кучли бўлади. Аммо, мамлакатнинг жанубий-шарқидаги Спин-Болдак шаҳрида тарқатилган варақаларда ёзилишича, Толибон қолдиқлари саналаётган жангарилар ҳалок бўлган ўз сафдошлари учун қасос олиш мақсадида Афғонистон ҳукумати раҳбарларига қарши хуруж уюштиришни режалаштирганлар. Варақалар остида эса Толибон раҳбари мулла Муҳаммад Умарнинг ёрдамчиси Ахтар Муҳаммад Усмон имзоси бор.

## "ДУНЁ ГЎЗАЛИ" ТАНЛОВИ

***"Синхуа" агентлигининг билдиришича, SARS хавфига қарамасдан Хитой ҳукумати "Дунё гўзали" танлови финалини ўтказиш ниятида.***



53-"Дунё гўзали" танловининг якуний босқичи жорий йилнинг ноябр-декабр ойларида Хайнан оролининг Сания шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган эди. Бунинг учун расмий Пекин 14 миллион доллар эвазига махсус кўргазма маркази барпо этаётган бўлиб, танловга 117 та давлатдан номзодлар келиши кутилмоқда. Ўтган йилги танлов эса Нигерияда ўтказилаётган вақтда мусулмон фанатиклари томонидан уюштирилган норозиликлар туфайли 220 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган ва танлов Лондон шаҳрига кўчирилган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# "СИФАТИГА КАФИЛМИЗ"

***Халқимизда "Қимирлаган қир ошар", деган гап бор. Дарҳақиқат, ҳаёт синовларидан ўтган бундай нақллар бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги паллага ҳамоҳанг келади.***

Чунки ишлаган, ҳаракат қилган барака топаяпти.



**БУНЁДКОРЛИК**

Янгийўл туманидаги Бинокор-"М" хусусий фирмасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Қурилиш материалларига ихтисослашган мазкур фирма жамоаси ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 2001 йилнинг март ойида дастлабки тамал тошини қўйган эди. Ўша йилнинг ўзида Миллий банкнинг туман филиалидан 10 миллион сўм кредит олишди. Ишлаб чиқаришдан келган фойда ҳисобига Россиядан янги линиялар олиб келинди. 39 нафар киши иш ўринлари билан таъминланиб, бугунги кунда ҳар бирига 45000 сўмдан ойлик маош тўланмоқда.

- 2002 йилнинг ўзида 1 миллион 200 мингта ғишт ишлаб чиқарилиб, умумий суммаси 35 миллион 142 минг сўмни ташкил этди, - дейди фирма директори Фатхулла Ғуломов. – Бу йилнинг биринчи чорагида 500 мингта ғишт ишлаб чиқариб, 16 миллион 800 минг сўмга сотдик. Аммо бизни кредит масаласи қийнаб турибди. Янги очилган ишлаб чиқариш корхоналарига имтиёзли кредит берилса яхши бўларди. Бу йил ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги кенгайтирилган иншоотлар қуриш, қўшимча линиялар келтириш мақсадида Миллий банкдан 36 фоиз тўлаш шарти билан 60 миллион сўм кредит олдик. Иш икки сменада ташкил этилиб, кунига 45-50 минг дона ғишт ишлаб чиқараяпмиз. Кўп ўтмай ишлаб чиқариш қуввати, ишчилар ўрни икки баробарга кўпаяди.

Корхона "Обод маҳалла йили" муносабати билан Жўрабек Тўрабеков номли маҳалла, "Соғлом авлод" фондини доимий моддий ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб келаяпти. Мазкур маҳаллада жойлашган ўрта мактабда стадион қурилишига ҳам кўмак бериб борилаяпти. Бугунги кунда янги ишлаб чиқариш линияси қурилиши учун 236 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, корхонанинг бугунги иш фаолиятидан кўриниб турибдики, Бинокор-"М" кўпгина бунёдкорлик ишларига ўз улушини қўшади.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**2003-2004 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратурага**

**қабул эълон қилади**

*Тошкент Давлат аграр университети нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда етук, малакали қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув-илмий ва маърифий масканидир.*

***Ҳозирги кунда университетда мавжуд 8 та факультетнинг кундузги бўлимида қуйидаги 10 та:***

- касб таълими (агрономия); иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); бухгалтерия ҳисоби ва аудит; агрокимё ва агротупроқшунослик; агрономия (мева-сабзавотчилик, ипакчилик); ўсимликлар ҳимояси; қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; зоотехния; ўрмончилик йўналишлари бўйича бакалавриатга қабул қилинади.

**Университетнинг сиртқи бўлимида эса:**

- агрономия (мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ипакчилик), зоотехния, ўрмончилик, иқтисодиёт (тармоқлар бўйича), агрокимё ва агротупроқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича бакалавриатга қабул қилинади.

Университетда барча йўналишларда ўқийдиган талабалар бир йил давомида ҳарбий таълим бўйича сабоқ оладилар ва захирадаги зобитлар бўлиб етишадилар. Шу билан бирга талаба қизлар "Тиббиёт ҳамшираси" гувоҳномасини оладилар.

**Университетга қуйидаги 34 та:**

-тармоқлар иқтисодиёти; менежмент (соҳалар бўйича); маркетинг (соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалиги); мева-сабзавотчиликда биотехнология; тупроқшунослик; агрокимё; тупроқ бонитировкаси; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (агрокимё ва агротупроқшунослик); пахтачилик; ўсимликшунослик; умумий деҳқончилик; агрономия (далачилик); дончилик; ипак қурти биологияси ва агротехнологияси; сабзавотчилик; мевачилик; ҳимояланган ерда сабзавотчилик; узумчилик; ўрмон доривор ўсимликлари; ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан асраш; энтомология; пахта уруғчилиги ва селекцияси; дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси; деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; пахта хом ашёси етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш, метрология ва сертификатлаш; наслчилик; паррандачилик; асаларичилик; балиқчилик; аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш; ўрмон мелиорацияси ихтисосликлари бўйича магистратурага қабул қилинади.

***НУКУС ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА:***

- агроинженерия; агрокимё ва агротупроқшунослик; агрономия; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; зоотехния; ўсимликлар ҳимояси; қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси йўналишлари бўйича бакалавриатга қабул қилинади. (Тест синовлари Нукус филиалининг ўзида ўтказилади).

**Филиалда қуйидаги 3 та:**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш; қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш; агрономия (далачилик) ихтисосликлари бўйича магистратурага қабул қилинади.

Абитуриентларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида 2003-2004 ўқув йили учун вилоятларда университетнинг қабул пунктлари ташкил этилган. Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича Бухоро Давлат университети қошида, Қашқадарё вилояти бўйича Қарши муҳандис-иқтисодиёт институти қошида, Сурхондарё вилояти бўйича Термиз Давлат университети қошида ТошДАУнинг қабул комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Абитуриентлар университетнинг барча мавжуд бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ҳужжатларини ўзлари яшаётган жойларида топширишлари мумкин.

Шу билан бирга вилоятлардан Тошкентга келиб университетга ҳужжат топширувчи абитуриентлар учун ҳам барча қулай зарур шароитлар мавжуд. Улар ётоқхоналар билан тўлиқ таъминланадилар. Улар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консультациялар олиб борилади. Пуллик 2 ойлик тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий ўқув хоналар, кутубхона, маиший хизмат уйи, университет тарихи ва ҳаётини акс эттирувчи музей, ўқув тажриба хўжалиги ва станциялари, спорт заллари, поликлиника ва профилакторий талабалар хизматида.

**АЗИЗ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР!**

Мустақил мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдек эзгу ишларга ҳисса қўшишни орзу қилган ёшлар! Сизларнинг университетимиз талабаси бўлишингизга тилакдошмиз!

**Омад сизларга ёр бўлсин!**

***Ректорат.***

**Бизнинг манзил: 700140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ.**
**19, 83, 96, 129, 115, 491-автобусларнинг "Тошкент Давлат аграр университети" бекати.**
**Нукус филиалининг манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.**

